Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 90 (4785).
20 АПРЕЛЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи гражданлари! Иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида актив қатнашингиз!

Экономика тежамли бўлмоғи керак!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Тошкент марказий телеграфининг аҳил коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Алоқачилар ўртасидаги мусобақада 1-класс телеграфисти Луиза Бахтиева пешқадамлик қиляпти. У смена топшириқларини 130 процентга етказиб адо этяпти.
СУРАТДА: Л. Бахтиева.

И. Шоиногомов фотоси.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

ТОШКЕНТЛИКЛАР МАЙОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН ЛКСМ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

Мусобақа пешқадамлари

Шаҳардаги районлар, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги 1982 йилнинг биринчи кварталидаги социалистик мусобақа якунлари тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети шаҳардаги районлар, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги 1982 йилнинг биринчи кварталидаги социалистик мусобақа якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққан **Собир Раҳимов районига** (район партия комитетининг секретари В. Мурашов, район ижроия комитетининг раиси М. Зуфаров, район комсомол комитетининг секретари Ш. Рашидов) берилди. Бу район меҳнат коллективлари социалистик мажбуриятларини анча ортиғи билан адо этиб, ялпи маҳсулот ва маданий-маиший ҳамда рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришни ўсишининг юксак суръатини, ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсишини таъминлади.

Акмал Икромов, Фрунзе, Чилонзор районлари саноат корхоналарининг яхши ишлаганлиги таъкидланди. Бу районларда квартал планлари барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилди ва социалистик мажбуриятлар ортиғи билан адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **«Ташсельмаш» заводи** коллективига (директори О. Новицкий, партия комитетининг секретари А. Мақсудов, касаба союз комитети раиси И. Самарцев, комсомол комитети секретари Н. Шаропов) берилди. Бу коллектив 1982 йилнинг биринчи квартали планини маҳсулот реализация қилиш бўйича 103.5 процент адо этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг анча ўсишини таъминлади, социалистик мажбуриятларни ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг шаҳардаги енгил, озиқ-овқат, мебель ва маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **мебель ойналари фабрикаси** коллективига (директори Р. Алиев, партия ташкилотининг секретари Н. Ш. Шкитерёв, касаба союз комитети раиси В. Боряева, комсомол ташкилоти секретари А. Бугатов) берилди. Бу коллектив маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал планини 105,7 процент адо этди, ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан асосан меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига 7,4 процент ўсишини таъминлади.

Шаҳар районлари орасида капитал қурилишда шу йилнинг биринчи квартали иш якунлари бўйича **Ленин райони** коллективлари энг яхши натижаларга эришдилар. Бу районда турар жойни фойдаланишга топшириш плани 184 процент, асосий фондларни ишга тушириш плани 106 процент, қурилиш-монтаж ишлари плани 125 процент адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинати** коллективига (бошлиғи Э. Рустамов, партия комитети секретари Н. Ригованов, касаба союз комитети раиси М. Абдуллажонов, комсомол комитети секретари А. Махоркин) берилди. Бу коллектив бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 100,4 процент, шу жумладан ўз кучлари билан 107,8 процент адо этди, турар жойни фойдаланишга топшириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтириш топшириқларини бажарилишини таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этилган кўчма Қизил байроғи Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети трамвай-троллейбус бошқармаси **2-трамвай депоси** коллективига (бошлиғи В. Головченко, партия ташкилоти секретари Х. Жуманазаров, касаба союз комитети раиси М. Ҳошимов, комсомол комитети секретари И. Иброҳимов) берилди. Бу коллектив вагон-кун бўйича квартал планини 102 процент, вагон-километр бўйича 101 процент, йўловчиларни ташиш бўйича 104,6 процент бажарди, таннархни 4,5 процент арзонлаштиришга эришди.

Мусобақадош районлар ўртасидаги 1982 йилнинг биринчи кварталидаги меҳнат беллашуви якуни бўйича қуйидагилар социалистик мусобақа ғолиби бўлишди: Киров ва Собир Раҳиов районлари ўртасидаги мусобақада —**Собир Раҳимов райони,** Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасидаги мусобақада— **Сергели райони,** Ленин ва Фрунзе районлари ўртасидаги мусобақада — **Фрунзе райони,** Октябрь ва Чилонзор районлари ўртасидаги мусобақада— **Чилонзор райони,** Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасидаги мусобақада— **Ҳамза райони.**

Шаҳар Ҳурмат тахтасига 54 саноат, транспорт ва алоқа корхонаси, қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотлари коллективлари номи ёзилди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида юзлаб коммунистик меҳнат зарбдорлари фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Бирлашма 1-филиали 7-цехининг моҳир тикувчилари Д. Саидова ва З. Муҳамедовалар ана шундай илғорлардан саналади. Бу чеварлар ойлик план топшириқларини мудом 120 процентдан бажариб, пешқадамликни қўлдан бермай келмоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) Д. Саидова ва З. Муҳамедовалар.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

• Беш йиллик вахтасида

ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ

«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 7-автобус парки коллективи юбилей вахтасида туриб ишлаб, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашмоқда. Ҳайдовчилар ўртасида ўзаро мусобақа яхши йўлга қўйилган. Янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кун сайин янада яхшироқ меҳнат қилишга интилиш коллектив аъзоларига хос фазилатдир. III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери С. Азизов, ҳайдовчилардан В. Воробьёв, Н. Савин ва бошқа ўртоқлар СССР 60 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишаяпти. 103-маршрут бригадири Собир Азизов йиллик топшириқни 7 ноябрга бажариш мажбуриятини олди. У планга қўшимча 8 минг пассажирни манзилига элтиб қўйиш, 500 литр бензинни тежаб қолишга қарор қилди.

Паркда бундай илғор ишчиларнинг яхши ташаббуслари кенг қўллаб-қувватланмоқда. Коллективнинг ҳар бир аъзоси Ватанимизнинг шонли 60 йиллик юбилейига муносиб меҳнат армуғонлари ҳозирлашга аҳд қилиб ишлашмоқда.

САЙЛОВЧИЛАР УЧУН ЛЕКЦИЯЛАР

Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлимининг станциялари ва разрезлари бўйлаб сайловчиларнинг вагон-клуби қатнай бошлади. Совет сайлов системасининг принциплари тўғрисида дастлабки лекциялар ўқилди. Жамоатчи лекторлар темир йўл бўлими корхоналари ва хизмат бўлимлари коллективлари билан бўлган учрашувлар вақтида ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида ва Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларида баён этилган кўрсатмалар ва тавсияларнинг моҳиятини тушунтириб бермоқдалар.

Темирйўлчилар маданият саройида ва Тошкент станцияси локомотив депоси клубида агитпунктлар иш бошлади. Бу ерда халқ вакилларининг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи стендлар ва фотовиставкалар ташкил қилинган. Ёш сайловчилар учун оғзаки журналнинг махсус сони тайёрланди.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг бадиий коллективи 19 апрель куни намойиш қилган «Қиёмат қарз» спектаклидан тушган ҳамма маблағни Тинчлик фондига топширди. Театр коллективи ўзининг дам олиш кунида томошабинларни кейинги йилларда саҳналаштирилган энг яхши постановкалардан бири — ўзбек драматурги Ў. Умарбековнинг «Қиёмат қарз» пьесасини кўришга таклиф этди.

Улуғ Ватан урушига бағишланган бу спектакль театр саҳнасида қарийб юз марта намойиш қилинди. Асарни режиссёр Рустам Ҳамидов саҳнага қўйди. Тинчлик фондига аталган спектаклда СССР халқ артисти Ш. Бурхонов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари И. Болтаева, М. Орипов, Х. Хўжаева ва бошқа ёш санъаткорлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЯНГИ УСУЛДА

Ўн биринчи беш йиллик ва унинг иккинчи йили план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини адо этишда меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формалари муҳим роль ўйнайди. Буни ҳисобга олган агрегат заводи партия комитети меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулини кенг ёйишга эътиборни қаратмоқда.

Корхона коллективи КПСС Марказий Комитетининг СССР 60 йиллиги тўғрисидаги қарорига жавобан юбилей йили планини 29 декабрда бажаришга аҳд қилди. Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида илғор бригадалар иш усули кенг пропаганда қилиняпти. Бу ерда 10-цехнинг Анатолий Арзуманян бошчилик қилаётган комплекс бригадаси иш тажрибалари коллективлар ўртасида кенг ёйиляпти. Бу бригада янгича усулга ўтиб ишлай бошлагандан буён иш самарадорлиги ва иш сифатини ошириб яхши ютуқларни қўлга киритяпти.

* * *

ОЧИҚ ДАРСЛАР

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети пропагандистларнинг очиқ дарсларини ўтказишга катта эътибор беряпти. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини изчил амалга ошираётган бирлашма партия комитети очиқ дарсларга пропагандистлар маҳоратини оширишнинг воситаси сифатида қарамоқда.

Бу ерда бир неча йиллардан буён пропагандистлик қилиб келаётган моҳир идеология активистлари кўп. Яқинда Владимир Борисович Ульянов очиқ дарс ўтказди. Худди шундай очиқ дарсларни тажрибали пропагандистлардан Умид Раҳматиллаевич Маллин, Ирина Замоновна Назирова, Аза Артёмовна Пугачёва ҳам ўтказишяпти.

Мураббийдан ўрнак олиб

«Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент машинасозлик заводининг пардозловчилар бригадири Тимофей Ильич Игумнов бирданига икки шогирдини рекорд иш унумига эришганлиги билан қутлади. Тажрибали мастер КПСС аъзолигига тавсия этган ҳамкор ўртоқлари — Виктор Кутилин билан Анвар Аҳмедшин 1983 йил май ойи ҳисобидан маҳсулот бера бошладилар.

Ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажаришга сўз берган республикадаги ўн беш илғор ишчининг бири бўлмиш Т. Игумнов шу муваффақиятга кўп жиҳатдан ҳисса қўшди. Унинг ёрдами билан ёш ишчилар малакаларини оширибгина қолмай, ижтимоий активликни ҳам кучайтирдилар. Мураббийдан ўрнак олган Кутилин ва Ахмедшин нормадаги битта станок ўрнига учта пардозлаш станогини ишлатишга ўтдилар. Бутун бригада битта наряд билан ишлай бошлади.

Тола ажратувчи машиналар учун бригадир қанча деталь тайёрласа, энди собиқ шогирдлар ҳам шунча деталь тайёрламоқдалар. Бутун маҳсулот биринчи топширишдаёқ қабул қилиняпти.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада турган илғор ишчилар шонли санагача беш йиллик тўрт йили топшириғини бажариш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Собир Раҳимов район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан З. Н. Абдураҳимов район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси этиб А. И. Фозилбеков сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

Республикада маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. «Строймеханизация» тресси механизация бошқармаси минорали кран машинисти, коммунистик меҳнат зарбдори Надежда Васильевна Гончарова, Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш марказлаштирилган юк ташиш автомобиль тресси 2515-автоколоннасининг ҳайдовчиси Юрий Николаевич Волков халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Сайлов олди йиғилишларининг қатнашчилари Совет ҳокимияти маҳаллий органлари депутатлигига муносиб номзодларни кўрсата туриб, ҳар бир иш жойида меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширишга, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга қатъий аҳд қилганликларини изҳор этмоқдалар.

• Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Куйбишев район ободонлаштириш бошқармаси хизматчилари район аҳли ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ташкилотлар коллективи билан бир ёқадан бош чиқариб баҳорги кўчат ўтказиш топшириғини 106 процент қилиб адо этдилар. Район территориясида 71 минг тупдан ошиқ дарахт ва манзарали бута кўчатлари ўтқазилди. Бу ишлар асосан ҳашар йўли билан амалга оширилди.

Шу кунларда ободонлаштириш бошқармаси хизматчилари янги социалистик мажбурият асосида меҳнат қилмоқдалар.

Шунинг билан бирга барпо этилаётган жами майдони 0,5 гектарни ташкил этган микрохиёбонда ҳам иш қизғин бормоқда. Бу микрохиёбонлар Ф. Хўжаев, Ж. Обидов кўчалари ва Улуғбек посёлкаларида бунёд этилмоқда. Шу кунгача бу хиёбонларга 1000 тупдан ошиқ кўчат ўтқазилди.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Октябрь район территориясига баҳор фаслида 22 минг туп дарахт, 41 минг дона яшил тўсиқ ва 15 минг туп гул кўчати ўтқазилди. Район ободонлаштириш бошқармаси ишчилари Цирк биноси ёнидаги хиёбонни янада обод бўлишини таъминлашиб, бу ерга 150 туп чинор дарахти ўтқазишди. Хуршид кўчасида барпо этилган ярим гектарлик хиёбонга эса 500 дан ортиқ дарахт кўчати ўтқазилди.

Ҳар шанба ва якшанба кунлари райондаги кўплаб мактаб ўқувчилари умумхалқ ҳашарига чиқишиб ирригация шохобчаларини чиқиндилардан тозалашиб, зилол сувлар учун ариқларни тахт қилиб қўйишди.

ЯНА УЧТА ХИЁБОН

Фрунзе районида ҳар йили кўплаб янги хиёбонлар барпо қилинади. Район меҳнаткашлари ободончилар билан биргаликда бу сафарги баҳор ойида ҳам икки гектар майдондан иборат учта хиёбон ташкил этишга аҳд қилишганди. Ҳозир бу хиёбонлар Ўқитувчилар малакасини ошириш институти биноси ёнида, Волгоград кўчасидаги яқинда фойдаланишга топширилган иккита турар жой биноси ёнида ва бозор яқинида барпо этилди.

Районда зиммага олинган 57 минг дарахт ва яшил тўсиқ муддатидан илгари ўтқазиб бўлинди. Бу кўчатларнинг кўпчилиги студент ва ишчилар ёрдамида ўтқазилди.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ЗИМБАБВЕГА ҚАРШИ НАЙРАНГЛАР

Ирқчи Родезия ағдариб ташланган жанфур режими вайроналари ўрнида бунёд бўлган суверен Зимбабве Республикаси 18 апрель куни мустақиллик эълон қилинганлигининг икки йиллигини мураккаб ва жиддий вазиятда нишонлади. Бу мамлакат Вашингтон «эълон қилинмаган уруш» сиёсатини ўтказаётган Африкадаги мустақил давлатлар рўйхатини тўлдирди. Анголада Жанубий Африка Республикаси ҳарбийлари ёрдамида агрессив йўлни амалга ошираётган, Мозамбикда Жанубий Африка республикаси разведка хизмати билан биргаликда ҳукуматга қарши фитна ўчоқларини вужудга келтираётган Вашингтон Зимбабведа ирқчи преторияга ўз малайлари билан биргаликда қўпорувчилик ишларини олиб бормоқда.

Масалан, республика қонуний ҳукуматини ағдариб ташлаш ниятида бўлган бир группа фитначилар устидан Булавайодаги судда Жанубий Африка Республикасидан юборилган бу исёнчиларнинг АҚШ махсус хизмат ташкилотлари билан яқин алоқада бўлганлиги аниқланди. Судда бир хат мисол келтирилди. Унда Зимбабве раҳбарларини ўн минг доллар эвазига жисман йўқ қилишга тайёр турган қандайдир «америкалик дўст» тўғрисида гап боради.

Солсберида яқинда Зимбабве территориясида ҳаракат қилиб келган жосуслик тармоғи фош этилганлиги эълон қилинди. Жанубий Африканинг бу жосуслик уясига Д. Прайс деб аталмиш шахс бошчилик қилган. Уни «Америка элчихонасининг ҳозиру нозири» бўлган киши деб характерламоқдалар. Ғарбнинг яна бир жосуслик уясининг фош этилганлиги шундан далолат берадики, империалистик мамлакатларнинг маҳфий хизмат ташкилотлари Зимбабвени мамлакат танлаб олган прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишга ва Африка жанубидаги халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлаш йўлидан тойдириб юборишга ҳамон уриниб келмоқдалар.

Айни вақтда Қўшма Штатлар Зимбабвега қарши чинакам «иқтисодий уруш» олиб бормоқда. Бу уруш республикага юз миллионлаб доллар зарар келтирди. БМТнинг Жанубий Африка бўйича экспертлар махсус группаси докладида таъкидланишича, АҚШ назорати остида бўлган ва капиталистик мамлакатлараро компаниялар билан яқиндан боғланган халқаро валюта фонди Зимбабвега қарши қаратилган чораларни амалга оширишда айниқса актив роль ўйнамоқда. Вашингтон ёш республиканинг иқтисодий ҳаётини тобора мушкуллаштиришга, шу йўл билан Зимбабве ҳукуматининг ҳозирги ҳукуматини ёмон отлиқ қилиб, Солсберида янги мустамлакачилик режимини тиклаш учун шарт-шароит вужудга келтиришга жон-жаҳди билан уринмоқда.

Мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши кўп йиллик кураш ўтида тобланган Зимбабве халқи Вашингтон билан преториянинг тил бириктируви мамлакат суверенитети учун катта хавф солаётганлигини яхши англамоқда. «Жаҳон реакцияси Ангола ва Мозамбик сингари Зимбабвега қарши турли ҳийла-найрангларни ишга солмоқда, — деди бош министр Э. Мунангагва маҳкамаси қошидаги давлат министри.— Бироқ уларнинг барча уринишлари ҳалокатга маҳкумдир. Бизни ўзимиз танлаб олган йўлдан ҳеч ким четга чиқара олмайди.

С. КУЛИК,
ТАСС шарҳчиси.

Ташаббускорлик самараси

Қурилиш ишлари— механизация зиммасига

СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган «Асосий йўналишларида» «Қўл меҳнатини анча қисқартириш, қурилиш ташкилотларини юксак унумлик машиналар, механизмлар, автотранспорт билан таъминлаш, ишда сменаларини ошириш ҳисобига улардан тўлиқ фойдаланишни яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин. Қурилиш ташкилотларини кичик механизация воситалари, механизациялашган, тракторлаштирилган асбоблар ва қўл асбоблари билан, шунингдек кўчма маиший хоналар билан таъминлаш яхшилансин» деб кўрсатилган. Съезд қарорларини бажариш борасида шаҳримиз қурилиш ташкилотларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу жиҳатдан Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг «Пардозлаш» трестида бажарилаётган ишлар диққатга сазовордир. Шу ҳақда трестдаги кичик механизациялашган участка бошлиғи Рафик ЮЗЕЕВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Қурилиш объектларида қўл меҳнатини техника воситалари зиммасига юклашда кичик механизациялашган участкаларнинг роли катталигини ҳаёт тобора тасдиқлаб бермоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг Асосий йўналишларида бу масаланинг алоҳида қайд этилиши унинг нечоғлик муҳимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси ўз трестларида кичик механизациялашган участкалар ташкил этиш тўғрисида 1976 йили қарор қабул қилган эди. Қарорда янги участка зиммасига қурилиш механизмлари ва кичик механизация воситаларини марказлаштириш асосида қурувчилар меҳнатини механизациялаштирган, электрлаштирилган асбоблар билан таъминлаш, ремонт ишлари сифатини ошириш ва мавжуд техникадан унумли фойдаланиш вазифаси юклатилган эди.

Бизнинг «Пардозлаш» трестимизда кичик механизациялашган участка 1977 йилда ташкил этилди. Ўтган йиллар мобайнида коллективимиз ҳар томонлама ўсди. Ҳозир участкамизда юздан ортиқ ишчи меҳнат қиляпти. Замонавий техника воситалари кўпайиб, қўл билан бажарадиган ишларнинг анча қисми улар зиммасига юклатилган.

Ҳозир участкамизда тўртта асосий бўлим бўлиб, уларга транспорт ва юкловчи механизация воситалари бириктиб қўйилган. Бу механизациялар қурилиш объектларини техника воситалари, шунингдек техника хизмати кўрсатишни, машина ва ёрдамчи асбоб-ускуналарни ишлаётган жойнинг ўзида алмаштиришга тез ва марказлашган тартибда фаолият кўрсатиш учун хизмат қилади. Ўтган икки йилда эришилган меҳнат кўрсаткичлари коллективимиз бу масъулиятли вазифани шараф билан адо этаётганлигини, белгиланган топшириқларни ортиғи билан бажараётганлигини кўрсатиб турибди. Агар 1980 йилда қурилиш ташкилотларига 650 минг сўм ҳажмида хизмат кўрсатган бўлсак, 1981 йилда бу рақам 704 минг сўмни ташкил этди. Янги механизмларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича қўлга киритилган муваффақиятлар ҳам диққатга сазовор бўлди.

Айни пайтда кичик механизациялашган участкамизда трест объектларида металларни монтажлаш бўйича мураккаб ишларни амалга оширувчи янги бўлим ташкил этилаётир. Бу ишчи ва техника ресурсларидан унумли фойдаланиш учун кенг имкониятлар очиб беради ҳамда кўплаб оғир қўл ишларини механизмлар зиммасига юклайди.

Умуман олганда, кейинги йилларда «Пардозлаш» трестида қўл меҳнатини қисқартириш бўйича муайян ишлар қилинди. Ҳозир пардозлаш ва бўяш ишларининг 97 проценти механизмлар воситасида бажарилмоқда.

Бундай ютуқларнинг қўлга киритилишида коллективимизда жонкуярлик, ижодкорлик, ташаббускорлик муҳити муҳим роль ўйнаяпти. Ишчиларимиз қурилиш ишларини механизациялаштириш, бинокорлик меҳнатини енгиллаштириш бўйича янги-янги услуб ва усулларни қидириб топишмоқда, мавжудларини янада такомиллаштирмоқдалар. Шу ўринда монтажчилар бригадаси бошлиғи М. Галкутдинов, слесарь Л. Богатиров, электрчи А. Обидовлар номини алоҳида қайд этишни истардим. Улар ва бошқа ишлаб чиқариш пешқадамларининг ташаббускорлиги туфайли яқинда пардозлаш ишлари самарадорлигини оширувчи бир қанча агрегатлар қисқа муддат ичида ўзлаштирилди ва жорий этилди.

Ҳозирги пайтда умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган бизнинг кичик механизациялашган участкамиз коллективи ҳам зиммасига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариб, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

МАПУТУ. СССР билан МХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганлигининг беш йиллигига бағишланган Совет — Мозамбик дўстлиги ҳафталиги Мозамбик Халқ Республикасида зўр муваффақият билан ўтди.

МХРнинг кўп минглаб меҳнаткашлари Совет Ўзбекистони мисолида дўст советлар мамлакати халқининг ҳаёти ва меҳнати билан танишдилар. Мапуту, Бейра, Нампула ва Лишингада ҳар томонлама Совет — Мозамбик ҳамкорлигига, СССР ташкил этилганидан буён ўтган 60 йил мобайнидаги унинг ютуқларига, Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг муваффақиятларига бағишланган фотовиставкалар очилган эди. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида совет ҳужжатли фильмлари, шунингдек ўзбек халқи ҳаётига оид бир қанча киноленталар намойиш қилинди.

Мапутудаги рус тилини ўрганиш курсларида ва Мозамбик кооператив ҳаракати активлари учун тенг ҳуқуқли Совет Республикалари Иттифоқининг босиб ўтган 60 йиллик йўли тўғрисида, СССР билан МХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг беш йиллиги тўғрисида ҳамда Совет Иттифоқида колхоз қурилиши ҳақида лекциялар ўқилди.

«Шодлик» ўзбек қўшиқ ва рақс ансамблининг деярли ҳар бир концерти мозамбиклик томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида ўтди. Ансамбль қатнашчилари республика пойтахтида ҳамда Шовке ва Шайшай шаҳарларида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Артистларнинг юксак ижрочилик маҳорати ва музиканинг ғоят ёрқин ва ифодали жўр бўлиши Мозамбик аҳлини мафтун этди. Ансамбль концертларида 6 мингга яқин киши ҳозир бўлди.

Ҳафталикни ўтказишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуратов бошчилигидаги чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи делегацияси қатнашди. Советлар мамлакатининг вакиллари Мапуту, Газа ва Нампула вилоятларидаги саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг меҳнат коллективлари билан учрашдилар. Меҳнаткашлар ва деҳқонлар билан, ФРЕЛИМО партияси ва МХР ҳукуматининг раҳбарлари билан бўлган учрашувлар давомида Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар республикада ўтказилаётган илғор социал-иқтисодий ўзгартиришлар билан танишдилар.

Совет — Мозамбик дўстлиги, деб ёзади «Нотисиаш» газетаси, СССР ва МХР халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва бирдамлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди.

ЎРМОН БОЙЛИКЛАРИ

УЛАН-БАТОР. Ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш — Халқ Монголиясининг иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим томонидир. МХР давлат ўрмон фондининг майдони 15 миллион гектардан ошади. Бу эса Финляндия каби «ўрмонзор» мамлакатдагидан кам эмас.

Кейинги йилларда республика ўрмон ва ёғочсозлик саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баравар кўпайди. Тармоқ корхоналари халқ хўжалигига ёғоч тахта рўзғор ашёларини етказиб бермоқда.

Партия ва ҳукумат ва тайёр конструкцияларни, мебель, уй- ўрмон ва ёғочсозлик саноатини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Ўтган беш йилликда Улан-Батор ва Сухэ-Батордаги ёғочсозлик комбинатлари, Хялгантдаги ўрмон саноати хўжалиги каби катта-катта корхоналар ишга туширилди.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНАДИ

БЕЛГРАД. Югославиянинг Новисад шаҳрида очилган совет китоблари виставкаси СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Виставкани «Международная книга» Бутуниттифоқ бирлашмаси ва «Нолит» нашриёти ташкил этдилар.

Етакчи совет нашриётлари чиқарган 3 мингдан ортиқ номдаги китоблар СССР халқлари экономика, фан ва маданият соҳасида эришган муваффақиятларни акс эттиради. Кўплаб монографиялар ва фото альбомлар иттифоқдош республикаларнинг ривожланиш тарихи ва кундалик меҳнати тўғрисида ҳикоя қилади.

Экспозицияда кўп миллатли совет адабиётининг бойлигини акс эттирувчи бадиий асарларга катта ўрин берилган. Илмий техника адабиётлари, санъатга оид китоблар, турли справочниклар, дарсликлар кенг намойиш қилинган. Стендларда Югославия адабиёти классиклари — И. Андрич, Б. Нушич ва бошқа адибларнинг СССРда рус тилида нашр этилган асарларини кўриш мумкин.

«Нолит» нашриётининг бош директори Д. Гаварич виставкани оча туриб, СССР ва ЮСФР нашриётлари ўртасидаги кўп йиллик ҳамкорлик самарали ривожланаётганлигини уқтириб ўтди. Китоб, деди у, халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан бирлидир. Совет виставкаси Югославиянинг маданий ҳаётида муҳим воқеадир. Виставка совет халқи эришган муваффақиятлар билан янада яқинроқ танишишга кўмаклашади.

САЛМОҚЛИ ҲИССА

ҲОШИМИН. Марказий Вьетнамдаги Куангнам-Дананг вилоятида замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган «Ногшон» кўмир карьери муддатидан илгари ишга туширилди. Куангнам-Дананг вилоятидаги янги бой ёқилғи конларидан фойдалана бошланганлиги — республика кончиларининг масъулиятли вазифани — шу беш йиллик охиригача мамлакатда ҳар йили кўмир қазиб чиқаришни 8—9 миллион тоннага қадар етказиш вазифасини ҳал этишга қўшган салмоқли ҳиссасидир.

ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН БИРИ

ПРАГА. Гелиоустановкалардан, ер ости иссиқ сувларидан ва энергиянинг бошқа анъанавий бўлмаган манбаларидан фойдаланиш Чехословакияда қабул қилинган тармоқ давлат программасини амалга оширишга қўшиладиган салмоқли ҳисса бўлади. Ана шу программани амалга ошириш натижасида шу беш йилликнинг ўзидагина республикада 12 миллион тонна шартли ёқилғи тежалиши керак.

Чорвачилик фермаларидаги қуёш коллекторлари электр энергияси сарфини 75 процент камайтириш имконини бермоқда. Нове-Замки шаҳридаги «Электросвит» заводида ҳозирдаёқ гелиоустановкаларнинг замонавий типларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1990 йилга бориб, қуёш энергиясидан фойдаланиш унча кўп харажат қилмай Чехословакия халқ хўжалигига бир неча миллион тонна шартли ёқилғини тежаб қолиш имконини беради.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

ҚОБУЛ. Апрель революцияси душманларининг ёлғон пропагандасига учиб, илгари юртини ташлаб кетган яна 100 та афғон оиласи Қундуз вилоятидаги уй-жойларига қайтиб келди. Шу оилаларнинг вакиллари халқ демократик партияси ва Афғонистон Демократик республикаси ҳукумати сиёсатини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Улар афғон халқининг бахт-саодати йўлидаги бунёдкорлик меҳнатида актив қатнашишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

* * *

САНА. Яман Араб республикаси пойтахтида граждан авиацияси институти очилди. Ўнлаб студентлар шуғулланаётган бу ўқув юрти замонавий аппаратлар билан таъминланган.

Яман Араб республикасининг ривожланаётган граждан авиацияси малакали миллий кадрларга ғоят муҳтож. 1963 йилда совет мутахассислари ёрдамида Санада қурилган халқаро аэропорт ўша вақтдан бери ўзининг иш ҳажмини деярли ўнлаб карра кенгайтирди. Ҳозирги вақтда у ҳар йили 500 мингга яқин пассажирга хизмат қилмоқда. Жуда яқин орада аэровокзалнинг учиш майдонини ва биноларини янада кенгайтириш мўлжалланади. Худайдо шаҳрида республикада иккинчи халқаро аэропорт қурилмоқда.

* * *

ҚОҲИРА. Мисрда Нил қуйи оқимининг жануби-ғарбий қисмидаги Бени-Салама деган жойда Яқин Шарқда энг қадимий тош ўймакорлиги санъати асарлари топилди. Булар тошдан ўйилган сариқ ва қизил ранглар билан бўялган инсон бошини акс эттиради.

«Ахбор Ал-яум» газетаси шу ҳақда хабар бериб, қазилмалар мелодгача 5 — 6 минг йил илгари бу ерларда қадимги кишилар яшаганлигини кўрсатади, деб ёзади. Мутахассисларнинг фикрича бу ғоят қимматли топилдиқ ер юзида энг дастлабки цивилизация тўғрисидаги маълумотларни тўлдиришга имкон беради.

* * *

ИСТАМБУЛ. Туркиянинг энг катта шаҳари Истамбулда жамоат транспортидан фойдаланиш ҳақи ўрта ҳисобда 25 процент қимматлашди. Айниқса автобус билетлари нархи 15 лирадан 20 лирага етди.

* * *

РАБОТ. «Ал-баён» газетаси бундай деб ёзади: Европа иқтисодий ҳамжамиятидаги мамлакатлар Марокаш экспортининг одатдаги молларини сотиб олишдан бош тортиб ва ўз маҳсулотларини тиқиштириб, капитализмнинг умумий кризиси туфайли келиб чиққан қийинчиликларни Марокаш бўйнига қўйишга интилмоқдалар.

«Умумий бозор» Марокашнинг уюшма тўғрисидаги шартномаларнинг қоидаларига риоя қилиш тўғрисида Марокашнинг талабларига эътибор бермаяпти. «Ўнлар мамлакатлари» бу қоидаларни ҳамиша бузмоқдалар.

Бу гап жумладан Марокашнинг тўқимачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига алоқадордир. Европа иқтисодий Ҳамжамияти шу молларнинг Марокашдан экспорт қилинишини чекловчи чораларни кўрмоқда. Капиталистик мамлакатларнинг экономикаси чуқур тангликка тушган ҳозирги пайтда «умумий бозор» шу ташкилот уюшмаларига қўшилган аъзоларга нисбатан очиқдан-очиқ худбинлигини намойиш қилмоқда, деб ёзади «Ал-баён» газетаси.

* * *

ДЕҲЛИ. Кейинги икки йил ичида Ҳиндистоннинг «Уттар-прадеш» штати қишлоқ аҳолисининг иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ табақалари вакиллари ўртасида 630 минг гектар ер тақсимланди. Батраклар, ерсиз деҳқонлар, собиқ хорижонлар ер участкаларига эга бўлдилар.

Ҳиндистон ҳукумати қишлоқ бойлари тасарруфидан тортиб олинган ортиқча ерларни камбағал оилаларга фойдаланиш учун топширишни кўзда тутган ер ислоҳотини тезроқ амалга оширишга катта эътибор бермоқда. Ҳукуматнинг яқинда қабул қилган 20 моддадан иборат ижтимоий-иқтисодий программаси асосида 1985 йил март ойигача қишлоқ камбағалларига 800 минг гектар ерни тақсимлаб бериш мўлжалланмоқда.

ҲАР БЕШ КИШИДАН БИРИ ИШСИЗ

НЬЮ-ЙОРК. Айова штатининг унча катта бўлмаган Дубьюк шаҳарчаси савдо палатасининг вице президенти Х. Смит ташвишланиб бундай деди: аҳолиси 62 минг кишидан иборат бўлган шаҳримизда ҳозирги кунда ҳар беш кишидан бири ишсиздир. Рейган маъмурияти ҳукмронлик қилган давр мобайнида ишчи кучи 46 минг кишидан 35 минг 600 кишига камайган. «Ҳолбуки, бу кишиларнинг аксарияти кўп ҳолларда оиланинг ягона боқувчиси эди», — деб таъкидлайди Смит.

Дубьюк шаҳрида оғир қурилиш машиналарини ишлаб чиқарувчи «жон диар» компанияси ишчиларни асосан иш билан таъминлар эди. АҚШда турар жой қурилиши инқирози эса компания ишлаб чиқаришини икки баравар қисқартиришга мажбур этди: 1980 йилнинг апрель ойида заводда 6 200 киши ишлаган бўлса, ҳозир 3.100 киши меҳнат қилмоқда.

Гарчи Айова қишлоқ хўжалиги штати ҳисобланса-да, фермаларда иш топилмайди. «Бизни харид нархларининг пастлиги, банк проценти ҳисоб ставкаларининг юқорилиги қийнамоқда. Фермерларнинг кўпчилиги бу йилги инқирозга дош бераолмайди»: деди Дубьюк округи фермерлар бюросининг президенти М. Шлицер.

Шаҳарга кишилар шу даражада кўп кўчиб кетаётганлиги натижасида бир кичик корхонанинг эгаси аччиқ юмор билан: «Дубьюкни тарк этаётган охирги киши чироқни ўчириб кетишини илтимос қиламиз» деган эълонни осиб қўйди.

Яхшидан боғ қолади

Барчанинг бурчи

Районимиз шаҳарда энг кенжа районлардан бири ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида районимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Кўпгина янги микрохиёбонлар, спорт майдонлари, гулзорлар барпо этилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида районимиз территориясида 8 та микрохиёбон, В-13 кварталда эса болалар парки вужудга келтирилди ҳамда 26 та бекатга соябон қурилди. Худди шунингдек ўтказилган 46 минг тупдан ортиқ дарахт ва 102 минг тупдан ортиқ манзарали бута кўчатлари ҳозирги кунда анчагина кўкка бўй чўзиб қолди. Шу кунларда Ҳ. Турсунқулов, Янка Купала кўчаларида реконструкция ишларини олиб бормоқдамиз. Уйғур ва Назарбек кўчасининг Халқа йўлигача бўлган қисми кенгайтирилади. И. Охунбобоев кўчасида асфальтлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бироз муддатдан сўнг Али Қушчи, Ю. Саккокий, Маҳорат, Қизил Токзор ва Мирхонд кўчаларининг 1, 4, 7-проездларида асфальт ётқизиш ишлари бошланади. Бу йил жами 72 минг квадрат метр кўча саҳни капитал ремонтдан чиқарилди. 21.950 квадрат метр кўча юзи жорий ремонт қилинади. Бу бизнинг Тошкентнинг 2 минг йиллигига бошланган умумшаҳар тайёргарлигига қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади. Бу ишлар 1982 йилга амалга оширилади.

Ободонлаштириш ишни каби кўкаламзорлаштириш ҳам қизғин бормоқда. Бу йил районимиз территориясига 24 минг туп дарахт, 42 минг туп манзарали бута ва 100 минг гул кўчатлари ўтказилади. Шу кунгача 17 минг туп дарахт ва 40 минг туп манзарали бута кўчатлари ўтказиб бўлинди. Бу иш асосан Ҳ. Турсунқулов, Истироҳат, Бобир, Улуғбек, Фарҳод каби кўплаб марказий кўчаларда амалга оширилди.

Мен бу ерда шуни таъкидламоқчиман. Ниҳолни ўтказиш бир машаққат бўлса уни парваришлаб вояга етказиш ундан ҳам машаққатлидир. Чунки ниҳолни қадрлайдиганлар ҳам, уни нес-нобуд қиладиганлар ҳам бор. Шунинг учун барча ташкилотлар ва уй-жой эксплуатация участкалари ходимлари ўз оталиғидаги участкаларга доим кўз-қулоқ бўлиб турмоқлари лозим. Бу ишда 7, 8 ва 47-уй-жой эксплуатация участкалари коллективидан бошқа ташкилот ва идора коллективлари ўрнак олса яхши бўларди. Ҳар учала уй-жой эксплуатация участкалари ходимлари баҳор ва кузда ҳамма қатори ниҳоллар ўтказиш билан чекланиб қолмасдан, ниҳоллар парваришига катта эътибор беришади. Шунинг учун бу участкаларга қарашли майдонларда дов-дарахтлар ҳамиша барқ уриб яшнаб туради. Бу йил баҳорда бу коллективлар ўз майдонларига 3 минг туп дарахт ва 5500 туп манзарали бута кўчатлари ўтқазиб қўйишди. Ниҳолларни яшнатишнинг иккинчи омили — бу ирригация тармоқларини тўғри йўлга қўйишдир, яъни ирригация тармоқлари ўз вақтида тозаланиб, ремонт қилиниб турилмоғи лозим. Биз ҳозирданоқ Тўқимачи, Саккокий, Шароф кўчаларидаги ариқларни тозалаб қўйдик. Чўпон ота, Бирлик, Бешқайрағоч каналларида тозалаш ишлари олиб борилаяпти.

Аммо ишимизга тўсқинлик қилаётган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Оталиғига олган участкаларда ободонлаштириш ишларини виждонан олиб бораётган ташкилотлар билан бир қаторда бу хайрли ишга панжа орасидан қараб келаётганлар ҳам йўқ эмас. Ўтган йили қатор корхоналар зиммаларидаги мажбуриятларини бажаришмади. «Узавтострой» тресті Ғ. Ғулом ва Подмосковская кўчалари четида 6 минг метрли сув сепадиган водопровод қувури ўтказиши керак эди, бажармади. «Узавтострой» трестига қарашли Тошкент область қурилиш бошқармаси эса Фарҳод, Сегизбоев, Подмосковская кўчаларидаги олтита бекатга соябон ўрнатиб бериш керак эди, лекин бу ишлар бажарилгани йўқ. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики район территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш фақат маълум ташкилот ва идоралар коллективининг иши эмас, балки ҳамманинг — шаҳар ҳавосидан нафас олаётган барча кишиларнинг муқаддас иши бўлмоғи лозим. Ана шундагина шаҳримиз янада гуллаб-яшнайди.

Т. СОДИҚОВ,
Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи.

Биз—ватанпарвар-интернационалистлармиз

ДЎСТЛИК—БУ ТИНЧЛИК ДЕМАК

РЕПОРТАЖ

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида биргина совет ёшлари эмас, жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ёшлар ҳам ҳунар ўрганишяпти. Яқинда хорижий ёшлардан 100 киши институтнинг турли факультетларини муваффақиятли тамомладилар.

Бу қувончли кунга бағишланиб кеча уюштирилди. Бу ерга Вьетнам, Ҳиндистон, Монголия, Яман Халқ Демократик Республикаси, Панама, Коста-Рика, Лаос, Сурия, Гвинея, Нигерия, Конго ва бошқа мамлакатлардан келган студент-ёшлар — қўлига диплом олувчи ёш мутахассислар тўпланишган. Уларнинг чеҳраларида қувонч, лабларида табассум...

Кечани институт ўқув ишлари проректори, профессор В. Зуев очди. У битирувчиларни самимий табриклар экан, шундай деди.

— Институтимиз 1946 йилдан буён чет эллик ёшларни ўқитиб, уларга таълим бериб келади. Ана шу давр мобайнида институтни 342 киши тамомлади. Шундан 81 киши кандидатлик ва бир киши эса докторлик диссертациясини ёқлади. Бизнинг институтимизни битириб чиққан хорижий ёшлар жаҳоннинг 55 мамлакатида ишлаяптилар. Уларнинг кўплари раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилишмоқда. Биз институтимизни тугаллаб ҳозир Ҳанойдаги қишлоқ хўжалик институтида ишлаётган доктор Чионг Твань Жиан ва бошқалар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бу йил институтни 100 киши тамомлади. Бу шу пайтгача бўлган энг юқори — рекорд кўрсаткичдир. Уларнинг 28 нафари имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлди.

— Чет эллик ёшлар — дейди институт партия комитети секретари З. Мақсудов, — институт жамоат ишларида фаоллик кўрсатдилар. Бугун биз улар билан хайрлашар эканмиз, бундай фаолларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Ле Зан Тао (Вьетнам) Теодор Нуньс (Панама), Карлос Агилер (Коста-Рика), Питхаяпонг Салиумен (Лаос), Абдул Халим Сарраги (Сурия), Марибель Бланко (Коста-Рика), Мара Саен (Гвинея), Феликс Икпе (Нигерия), Симон Нкунгу (Конго) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳаяжонли дамлар бошланди. Проректор В. Зуев йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида қизил дипломларни хорижий ёшларга топширди...

— Биз, — дейди дипломни қўлига олар экан непаллик битирувчилар Одка Динак Набх ва Абдул Раҳим Микрани, — серқуёш Тошкентни, унинг одамларини, институт коллективини жуда-жуда севиб қолдик. Қандай самимий, меҳрибон кишилар улар...

Шундан сўнг битирувчиларнинг ҳар бири минбарга чиқиб институт ректорати, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари номига, бутун педагогика коллективи номига илиқ ташаккур сўзларини баён этдилар.

Сўнгра залда турли тилларда «Тинчлик», «Дўстлик» хитоблари янгради. Хитоблар жаҳон ёшларининг шўх ва ёқимли куй ҳамда қўшиқларига уланиб кетди...

Т. ТОШЕВ.

СУРАТДА: непаллик битирувчилар Одка Динак Набх ва Абдур Раҳим Микрани дипломларини қувонч билан кўздан кечиряптилар.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Шу кунларда Тошкент чинни заводи коллективи пойтахтимизнинг 2000 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Юбилей муносабати билан бу ерда ўнлаб хилда совға буюмлари ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) бадиий нақш чизиш участкаси илғор ишчилари мастер Д. Тошхўжаева ва пардозловчи Ш. Қодировалар маҳсулотга сайқал бериш пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«НЕГА ВАҚТИДА ОЛМАЙМИЗ?»

Газетада босилган бу материалда 175-почта бўлими айрим газетхонларга обуналарнинг етказиб бермаётгани танқид қилинган эди.

Шаҳар почта алоқаси бошқармасидан олинган жавобда почтальон касал бўлган кезларда шундай ҳол содир бўлгани, бу борада чора кўрилгани маълум қилинган. Шунингдек, айрим шахсий уй эгаларининг дарвозага почта қутиси ўрнатмаётганлиги учун обунанинг йўқолиб қолаётгани, бу масала албатта ҳисобга олиниши зарурлиги ҳам таъкидланган.

«ШИКОЯТГА ЭЪТИБОР ШУМИ?»

Акмал Икромов районидаги Н. Хўжаев кўчасида электр энергия нормал ишламаётгани юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда танқид қилинган эди.

Шаҳар электр тармоқлари корхонасидан олинган жавобда бу борада чора кўрилаётгани, линия яқин орада капитал ремонтдан чиқарилиши маълум қилинган.

∴ ∴ ∴

Шунингдек газетанинг «Бепарволик» сарлавҳаси остида берилган материали юзасидан ҳам чора кўрилиб, электр энергия нормал ҳолга келтирилгани маълум этилди.

Тошкент тарихидан 100 лавҳа

ҚАДИМИЙ ЧИНОР ҲАҚИДА

79-лавҳа

Эски суратларни кўздан кечириш ҳарқалай мароқли. Қўлимга Тошкентнинг революциядан олдинги кўринишларини акс эттирилган, орқасига қалам билан ёзув битилган, бу ёзувларнинг баъзи бирлари ўчиб кетган бир нечта открыткалар тушиб қолди.

Хаёлга чўмиб, ўзимга таниш бўлган жойларни қидира бошладим. Қўш от қўшилган оқ вагончани, тор майдонларни, товуқлар айланиб, дон териб юрган жойларни кўриб, бу ер ҳозирги вокзал олди майдони эканлигини топиб кўрчи! Мана, бошқа бир расм, кўприкдан арава ўтиб бораяпти. Катта вивескалар ёзилган дўкон, яна узоқда қандайдир бинонинг қуббаси кўзга ташланади. Бунинг ҳозирги Ленин кўчаси эканлигини зўрға англайсан киши. Қубба ва найзалар собиқ пионерлар саройининг белгилари. Бу суратни олиб қарасам, унда ҳозирги кўчани англаб олишга халақит бериб турган нарсалар бор экан, Бу нима экан деб ўйларсиз. Бу —дарахтлар! Осмонўпар чинор ва дуб. Хозир мана шу жойда ўсган, бир пайтлар эса мана бу суратда акс этганидек кичик ниҳолчалар бўлган. Орадан қанча йиллар ўтганини, қанча сувлар оқиб ўтганини мана шу ниҳол чинорлар бугун кўкка бўй чўзганидан сезиб олиш қийин эмас.

Мен бу азамат чинорни яхши биламан. Юқорида айтганимиздек уни суратдан аранг илғайсиз. Лекин у ҳозир бу атрофлардаги энг катта дарахтдир. Унинг ёнидан ҳар куни метро станциясига ўнлаб кишилар шошилиб ўтишади. Мороженое сотиладиган кафедан болаларнинг қувноқ овозлари эшитилади. Унинг тангадек офтоб тушмайдиган соясида ошиқ-маъшуқлар учрашишади... Чинор кишиларни ўз салкини билан меҳмон қилади. баҳор ва ёз қуёшининг иссиқ ҳароратидан асрайди.

Шаҳримиз тарихи мана шу чинорнинг кўм-кўк баргларида, унинг тарвақайлаган шохларида мужассамлигини ҳеч хаёлингизга келтирганмисиз? Бу барглар, бу шохлар босиб ўтилган ҳар бир кунни ўз «хотираси»да сақламоқда. Булар тарих шоҳидлари, унинг жонли иштирокчиларидир. Чинорларни табиат ёдгорлиги деб бежиз айтишмаган. Улар бизда атроф-муҳитда, жонажон ўлкамизга, она-Ватанимизга муҳаббатимизни ўзига жо этган.

Бу жойларда ҳали биронта ҳам князь саройи ёки ҳарбий майдон бўлмаган. Ёш чинор эса баргларини ёза бошлаган эди. Уни кекса бир боғбон ўтқазган эди. Дастлабки пайтларда ёш ниҳолдан хабар олиб турди. Унинг шохчаларини ва баргчаларини завқланиб томоша қилди. Чўчиганича бор эди. Ёш ниҳолни бошқа дублар каби Россиядан аравага солиб, илдиз-пилдизи билан кўчириб келтиришган эди. Узоқ ва машаққатли йўлда бу кўчатлар урниб қолмадимикин? Энди бу ерда кўкариб кетармикан?

Учинчи йилга ўтганда боғбон ўз бошқарувчисига «Яхши чинор бўлади. Минг йил яшайди энди», деди. Боғбон чол янглишмаган эди. Чинор биринчидан бошқа жойга кўчирилганда ҳам доимо тагидан сув оқиши керак, иккинчидан, ёш ниҳол пайтида совуқ уриб кетишидан асраш керак. Ана шунда у минг йилдан зиёд ҳам яшайверади. Ҳатто 2000 йилгача яшаган чинорлар бўр.

Ёш чинор ўсиб вояга етди. Унинг ёнида катта дуб дарахти кўкка бўй чўзди. Унинг узоқ умри воқеалар билан тўла. Иосиф Георгиев черковига якшанба кунлари зиёратга борган байрамона кийинган шаҳарликлар унинг ёнидан ўтишган. Ҳарбий парадга йўл олаётган қуроллар ғилдиракларининг изи тушган.

Бўшлиқда ёш чинор ниҳоли пайдо бўлганидан буён юз йилдан зиёд вақт ўтди. Бугунги кунда «тошкентлик ветеран» давлатнинг махсус муҳофазасида турибди. Ҳатто унинг ўз «шахсий» паспорти ҳам бор. Унда «туғилган» вақти, унинг «соғлиғи» ҳақида маълумотлар бор. Бундай паспортлар ҳозир Тошкентдаги ўнлаб нодир ва асрий дарахтларга ҳам берилган. Чинор қўшниси асрий дуб дарахти ҳам табиат ёдгорлиги деб эълон қилинган. Афсуски, бугунги кунда дубнинг ярмигина қолган холос. Кўнгина дарахтлар метро станцияси қурилиши жараёнида арралаб ташланган. Юз йилдан зиёд умр кечираётган 20 метрли дуб дарахти 1 Май кўчасининг ҳусни бўлиб турибди. Дуб дарахтининг ажойиб намуналари Революция хиёбони марказида ҳам бор.

Бу жойлар меҳнаткашларнинг севимли дам олиш жойларидир. Сокин шабада эсиб туради, енгил нафас олади, киши. Барглар шивир-шивири эса кишига ором ва илҳом бахш этади. Бу асрий дарахтлар ҳақида шоир Барот Бойқобилов ўзининг «Чинорлар» сарлавҳали шеърида зўр илҳом билан куйлаган.

Кўм-кўк барглар шивирлайди, ёш ниҳоллар баҳор қуёшига талпинади. Уларнинг сон-саноғи йўқ. Чинор дейсизми, дуб дейсизми — ҳаммасидан бор. Бугунги Тошкентнинг янги хиёбонларида, боғ ва майдонларида кўплаб кўчатлар бўй чўзди. Бу бой хонадон эгасининг ёки кекса боғбон меҳнатининг самараси эмас, албатта. Шаҳарни кўкаламзорлаштириш ҳақидаги ғамхўрлик бугунги кунда умумхалқ иши, давлат ғамхўрлигидаги ишдир. 1924 йилдаёқ Тошкентда шаҳар гулчилик хўжалиги (теплица ва парниклари билан) ташкил этилган эди. У ердан Тошкентни кўкаламзорлаштириш учун минглаб кўчатлар олинадиган бўлиб қолди. 1957 йилда эса ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кенгайтириш мақсадида «Горзеленстрой» махсус трести ташкил этилди. Кейинчалик ундан алоҳида корхона— манзарали боғдорчилик совхози—Тошкентнинг асосий яшил цехи ажралиб чиқди.

Қачонлардир Ленин номли хиёбонни барпо этишда қатнашганман, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида дастлабки ниҳолларни ўтқазишда иштирок этганман. Бу ерда ҳашар йўли билан минглаб ёш ниҳоллар ўтқазилган бўлиб, ҳозир кўкка бўй чўзаяпти. Бугунги кунда бу кўм-кўк дарахтлар кўзни қувонтиради. Яна 30-50 йилдан кейинги манзарани бир кўз олдингизга келтиринг-а...

Шарқда инсон ўз ҳаётида ҳеч бўлмаганда битта дарахт ўтқазиши керак, дейишади, Бу оддий халқ нақлини тез-тез эслаб туришимиз лозим. Бу бизга шаҳримизнинг янада кўркам, чиройли, ҳавосининг яна ҳам тоза бўлишига ёрдам беради. Бинобарин юз йил ўтар, уч юз йил ўтар, янги-янги тошкентликлар авлоди бизни ҳам ана шундай фахр билан эслаб юришар.

А. ТЮРИКОВ.



Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 112 йиллиги нишонланишига саноқли кунлар қолди. Шу кунларда минг-минглаб меҳнаткашлар, студент ва ўқувчи ёшлар, пионер ва октябрятлар бахтли ҳаётимиз асосчиси ва бунёдкори, бутун дунё пролетариатининг доҳийси В. И. Ленинга бўлган буюк меҳр-муҳаббатларини ва садоқатларини билдириб, В. И. Ленин Марказий Музейининг Тошкент филиалига ташриф буюрмоқдалар. Бу ерда бир неча янги экспонатлар қўйилган. Улар катта қизиқиш уйғотяпти.

СУРАТДА: пионерлар янги экспонатлар билан танишмоқдалар. М. Нуриддинов фотоси.

• Фан ва техника янгиликлари

Пўлат ўрнида

Пойафзалчилар ишлатаётган материалдан трубопрокат қиладиган стан валикларини тайёрлашда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин.

Биринчи қарашда юмшоқроқ кўринган материал — полиуретан катта босимга бардош беради, ейилиш жиҳатидан чидамлилиги эса пўлатдан ясалган валиклардан қолишмайди. Пўлат эса пардозлаш операцияларида кўпинча труба юзини тирнаса, полиуретан валик уни силлиқлаб, сифатини яхшилайди холос.

Юмшоқ ускунанинг зўр фазилати ҳам бор— у цехлардаги шовқинни анча камайтириб юборди.

Ураллликларнинг бу янгилиги Москва труба заводи ва Новосибирск металлургия заводида кардан трубаларни тўғрилаш линияларида муваффақият билан жорий этилди. У шу ернинг ўзидагина йилига ўн минглаб сўм тежашга имкон бермоқда.

—Юпқа деворли буюмлар ва қопламали трубалар ишлаб чиқаришда алоҳида самара олишни мўлжаллаб турибмиз, дейди ихтиро авторларидан бири — труба саноати илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири Л. Ситников. — Яқин фурсатда полиуретан асбоб Первоуральск, Синар труба заводлари ва Северск труба заводида қўлланила бошланади. Уни институтимиз мутахассислари билан ҳамдўстликда, Бобруйск резина-техника буюмлар заводи ишлаб чиқаради.

Тўғон учун рентген

Тожикистонлик олимлар улкан тўғонларнинг «каракатини» кузатиш учун космик нурлардан фойдаланишини таклиф қилдилар. Улар яратган прибор нурланишни қайд этаётиб турли чуқурликларда тупроқ зичлигини аниқлайди.

Энди тўғон иншоотларини ишлатувчилар, геологлар тоғ жинсининг ўзига хос рентгенограммасидан фойдаланишлари мумкин. Космик нур ер бағрига катта тезликда кираётиб қудуққа туширилган прибор орқали ҳам ўтади. Унинг ишлашини рентген аппаратига қиёслаш мумкин: жинс зичлиги қанча юқори бўлса зарраларнинг рентгенограмма плёнкасига «чизган» контурлари шунчалик тиниқроқ чиқади.

Бу янгилик, масалан, ғоят кўп зилзила бўладиган зонада қурилган Норак ГЭСи тўғонини кузатиб боришда ёрдам беради. У Роғун ГЭСини қуришда ҳам қўл келади — 335 метрли тўғон кўтарилаётган пайтда унинг ҳар бир қатлами қандай зичлаштирилаётганлигини кузатиб бориш мумкин бўлади.

Тожикистон ССР Фанлар академияси физика-техника институти олимларининг фикрича, бу янгилик қидирув ишларида геологларга ҳам бебаҳо хизмат кўрсатади. Лойиҳачилар ҳамда қурувчилар фундамент ва бинокорлик материаллари типларини танлаб олаётганларида ҳам жинс «рентгенограммасидан» фойдаланадилар.

(ТАСС).

Жеймс КЕРВУД.

ШИМОЛ ДАЙДИЛАРИ

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

Шундан сўнг у қаттиқ ухлаб қолди. У уйғониб кўз очганда эса унинг кўзларини қизил аланга қамаштирди. Агар аввал у қуёш кун бўйи гўё олтиндек порлагани ва узоқ вақт турганини кўрган бўлса, энди у биринчи бор қуёш қай тарзда шимолий баҳор тонгида уфқ узра кўтарилаётганини кўраётганди. Бу қуёш худди қондек қип-қизил бўлиб, Неева кузатаётганда у ер четидан тез кўтарилар, кўп ўтмай унинг кўринмай турган қисми ҳам чиқиб у бир ғалати, улкан шарга айланарди. Аввалига айиқча дарахтлар устидан улар томон балқиб келаётган бу нарса қандайдир тирик зот бўлса керак, деб ўйлади ва оҳиста чинқириб онасига савол назари билан ўқрайди. Бироқ Нузак бу сирли шардан ҳечам чўчимади. У баҳайбат бошини қуёш томон бурганича мамнун бўлиб кўзларини қисарди. Ўша дамда Неева ҳам алвон шардан таралаётган ёқимли иссиқликни сезиб қўрққанига қарамасдан ҳузур қилиб ўкирди. Орадан кўп ўтмай қуёш қирмизи рангдан тилла рангга кирди ва бутун водий яна ҳаётнинг шодиёна ёғдуларига тўлиб-тошди.

Неева кўришга муяссар бўлган ана шу биринчи қуёш чиқишидан сўнг Нузак яна икки ҳафта тошлоқ тепалар тизмаси ёнида қолиб кетиб, куни билан ботқоқлик атрофида айланиб юрди. Неева ўн бир ойлик бўлганида эса у бурнини йироқдаги қора ўрмонлар томон буриб ёзги сафарга отланди..

Неёванинг товонлари анча дағаллашган, энди унинг оғирлиги олти фунтга етган, агар у туғилган кунда оғирлиги бир фунтдан ҳам оз бўлганлиги эътиборга олинса, бу ёмон семириш эмасди. Неёванинг ҳақиқий саргузаштлари ҳам Нузак саёҳатга чиққан кундан бошланди. Олис-олисдаги сирли чакалакзорларда ҳали ҳам сира эримаган қор уюмлари ётар, Неева эса дастлабки икки кун мобайнида қуёшли водийни қўмсаб узлуксиз хиқиллаб юрди. Улар шаршарадан ўтишгач, Неева биринчи бор сув қанчалик шиддат билан оқишини кўрди. Нузак кетаётган ўрмон тобора қоронғилашар ва мудҳиш хилват жойга айланарди. Дастлабки ов дарсларини ҳам Неева худди шу ўрмонда олди.

Нузак аллақачонлар Жексон тоғ тизмалари билан Шаматтава ирмоқлари бошланадиган сув айирғич ўрталиғидаги текислик ичкарисига кириб келганди. Ҳар эрта баҳорда эса бу жойлар айиқлар учун жаннат жойга айланарди.

Нузак ухламаган кезларда тинмай овқат қидирар, гоҳо ер кавлар, гоҳо тошларни ағдарар, гоҳо чириган дарахт таналари ва тўнкаларини майда-майда қилиб бўлакларди. Кичкиналигига қарамасдан кулранг ўрмон сичқонлари у энг ёқтирган овқатлардан эди. Неева кекса, бесўнақай онасининг кўзига ана шу тирик бир бурда нарса кўриниб қолганда унинг ҳаракатлари қанчалик тезланишини кўриб ажабланарди, холос.

Баъзида Нузак инидан қочишга улгуролмаган сичқон болаларини тўда-тўдаси билан тутиб ейишга муваффақ бўларди. Бундан ташқари, у дарахт чиқиндилари орасида худди қиш вақтидагидек ғужанак бўлиб ҳаракатсиз ётган караҳт қурбақа, чумолиларни, гоҳида эса ҳар хил ариларни ҳам ерди. Неева ҳам, албатта, бу каби барча айиқ овқатларидан татиб кўрди. Учинчи куни Нузак ер ковлаб музлаб қолган қумурсқаларнинг каттакон тўдасини топиб олди. Бу тўданинг ҳажми икки муштча бўлиб, Неева ўзига ниҳоятда маъқул тушган нордон-ширин чумолилардан тўйгунича еб олди.

Кунлар исиган сари тошлар ва синиб тушган қуруқ шохлар тагида яшириниб ётган жониворлар ҳам ҳаракатга келиб ёруғ дунёга чиқа бошлаган эдилар. Энди Неева мустақил ов қилиш гаштини сурарди. У яна бир қўнғиз билан учрашиб, уни шу заҳотиёқ жонидан жудо қилди. Якка ўзи ўрмон сичқонини ҳам тутиб кўрди.. Шу кезларда улардан шимолда, уч воҳа нарида яшаётган ва ҳамма вақт олишишга шай бўлиб турган кекса, уришқоқ отасидан мерос қолган хислатлар зудлик билан шаклланарди. Неева тўрт ойлик бўлганда — бу май ойининг охирида юз берганди. —у ўзи билан бир ёшдаги айиқлардан кўпчилигининг ошқозони асло ҳазм қилолмайдиган овқатларни бемалол еган, унинг қаттиқ бурунчасидан тортиб то думининг учигача қўрқоқлигидан асар топиб бўлмасди. Бу пайтда унинг оғирлиги тўққиз фунт келар ва худди мўри тозаловчидек қоп-қора эди. Июнь ойининг биринчи ҳафтасида Неева тақдирида бир машъум ҳодиса юз берди. Бу воқеа Нузак ҳаддан ташқари исиган дилбар кун таъсирида эриб, овқатдан сўнг бироз мизғиб олиш учун чўзилган кезда содир бўлганди. У қалин ўрмондан чиқиб олиб, ўртасида кичик дарёча ҳалқа-ҳалқа бўлиб оқаётган водийда дайдиб юрарди. Неёванинг уйқуси келмасди. Бундай гўзал кунда унинг ҳечам ухлаш истаги йўқ эди. У атрофдаги ажиб дунёга синчков кўзлари билан боқар ва мириқиб унинг хавасини келтирадиган бетиним овозини тингларди. У онасига қараб чинқирди. Чунки у агар онасининг товони ёки қулоғидан тишламаса у кўп ётишини тажрибадан биларди. Ўшанда ҳам у фақат биририллаб қўярдию, яна уйқуга кетарди. Бу унинг жонига текканди. У бирон-бир қизиқарлироқ нарса топишни истар, шу туфайли қатъийлик билан саргузаштлар қидириб, ухлаётган онасидан нари кетганди.

Бу улкан, ярақлаган ва кўркам оламда Неева деярли узунасига ҳам, бўйи ҳам баравар келадиган кичик қора соққачага ўхшарди. У дарё томон йўл олиб у ердан орқасига бурилиб қарарди. Бу ердан у ҳали онасини кўриб турарди. Кейин панжаларини кенг соҳилнинг майин оқ қумларига ботириб кетавериб охири онасини ҳам унутиб қўйди.

Қирғоқ охирига етгач, Неева ўрмалаб яшил қияликдан юқорига кўтарилар, майса ўтлар унинг товонига худди бахмалдек роҳат бағишларди. Бу ерда у чумоли қидириб кичикроқ тошларни ағдара бошлади.. Сўнгра у ер олмахонини чўчитиб юбориб йигирма секундча унинг кетидан қувлади. Бироз вақт ўтгач, унинг олдидан каттакон қуён сакраб ўтди, у шу заҳотиёқ унинг кетидан қувлашга тушди, лекин Вапуз номли бу қуёнча ўн сакрашдаёқ бутазорга етиб олди ва у ерга бекинди. Буни кўрган Неева бурнини буриштириб ўкирди. Суминитиканинг қони унда ҳеч қачон шу даражада кучли қайнамаганди. Жиғибийрони чиқиб нимага ёпишишини билмасди. У ҳаётида биринчи марта ким билан бўлсада уришишни истарди. Шу дамда у худди янги йилда боксёрлик қўлқопини совғага олиб ўзига рақиб тополмаётган болага ўхшарди. Неева орқа панжаларига суяниб олиб ҳамон бурнини буриштирар ва асабини қўзғатадиган тарзда ўкириб атрофга уришқоқлик билан боқарди.. Негаки, у бугун ўзича бутун борлиқни енганини яхши биларди.. Оламдаги борики тирик жониворлар назарида унинг онасидан қўрқишар, фақат онаси эмас, балки унинг ўзидан ҳам чўчишарди. Ҳозир эса бу ёш паҳлавон билан беллашадиган зот йўқ эди.

Неева бошқа томонга бурилиб кета туриб каттагина тош олдидан чиқиб қолди ва қўққисдан турган жойида донг қотди. Ўша тошнинг орқа томонидан баҳайбат панжа чиқиб ётарди. Олдиндан ҳузур қилиш завқига тўлиб-тошган Неева бир неча секунд бу баҳайбат панжани томоша қилди. Ҳозир у онасини шундай тишлаб олсинки, кейин у то кечасигача ухлолмайди! Ахир у онасини бу ажойиб куннинг қувончига шерик қилиши керак-да! Неева секин товон томон яқинлашди ва унинг жунсиз жойини танлаб у ерга тишчаларини то охиригача ботирди. Шу пайт ўкирган овоздан ер ларзага келди. Тишланган товон асло Нузакники бўлмай доимо ёмон хулқи билан танилган кекса баджаҳл айиқ Макузаники эди. Қариган сайин у жуда сержаҳл бўлган. Унинг Нузакдан фарқи шу эдики, раҳмни шафқат деган нарсани бутунлай унутганди. Макуза Неева ҳали қанақа хатога йўл қўйганлигини фаҳмлашга улгурмасданоқ иргиб ўрнидан турди. Кекса айиқ бадқовоқ ва қаҳр-ғазабли бўлишдан ташқари айиқ болаларини сира ёқтирмасди. Кези келганда уларни еган пайтлари ҳам бўлган. Қисқа қилиб айтганда Макуза «кучанлардан», овчи индеецлар ўз уруғини ейдиган ваҳший айиқларни шундай деб аташарди. Макузанинг қон тўла кўзлари Неевага тушгач ўкира бошлади.

Буни кўрган Неева жуфтакни ростлаб қолди. У ҳеч қачон бунчалик тез югурмаганди. Ички туйғу у ундан қўрқмайдиган жониворга учрагани ва унинг ҳаёти хавф хатарда эканлигидан хабар берарди. Неева бирон йўналишни танламасдан қочар, чунки йўл қўйилган хато уни тамомила довдиратиб қўйган, онаси қаердалигини эса асло тасавур қилолмасди. Кетидан қувлаб келаётган Макузанинг дукирлаганини эшитиб у қўрққанидан жон-жаҳди билан ёрдам сўраб чинқирди. Довюрак ва меҳрибон она Нузак бу чинқиришни эшитди. У ўз вақтида иргиб ўрнидан турди. Неева эса у ухлаётган тош ортидан қора тўп ўқидек отилиб чиқди. Ундан ўн қадамлар кейинда етай-етай деб қолган Макуза югуриб келарди. Неева кўз қири билан онасини кўрдию лекин ўзини тўхтатолмай ўтиб кетди. Ана шунда Нузак Макузага ташланди. У худди коптокни олиб отаётган регбист каби ўзининг бутун оғирлиги билан кекса қароқчининг биқинига урилди ва икки айиқ бир-бирига маҳкам ёпишганча ерда думалай бошлади, бу эса Неевага ниҳоятда қизиқарли ва ажойиб ҳангомадек туюларди.

У тўхтаб онасининг Макуза билан яккама-якка олишувини кузатар, икки дона пиёздек кўринган бақа кўзлари эса шўх ўйнарди. Эрталабдан бери унинг қўли қичирдию, лекин ҳозир кўраётган нарса уни тошдай қотириб қўйганди. Икки айиқ маҳкам қучоқлашиб ўкиришар, тош-тупроқ сепиб бир-бирини тирнашар ва тишлашарди. Аввалига Нузак устун келди, чунки унинг биринчи ташланиши Макузани гангитиб қўйган, энди эса у эски, синган тишлари билан унинг томоғини бўғар, орқа панжасининг бақувват тирноқлари билан терисидан тортар, унинг ёнбошларидан эса қон шовуллаб оқар ва у худди бўғизланган ҳўкиз каби бўкирарди. Неева ўзини ҳозиргина таъқиб қилганнинг ҳоли танлигини тушуниб, мана ҳозир ойим кекса Макузага боплаб кўрсатиб қўяди, деган умидда ҳаяжонланиб онасига далда берарди. Сўнгра чопганича кураш кетаётган жойга келиб бурнини буриштирди ва жаҳл билан ўкириб тишларини тиржайтирди, урижаётганлардан беш қадам нарида туриб олиб, ҳовлиқиб ўйноқлайверди, чунки Суминитик руҳи уни жангга чорлади, лекин ростини айтганда у бундан қўрқарди. Кутилмаганда жанг майдонида ўзгариш юз берди ва Неева ҳайратга тушган ҳолда барвақт қувонганини англади. Табиийки Макуза эркак айиқ сифатида кўпроқ кураш тажрибасига эга эди, шу туфайли кутилмаганда Нузакни томоғидан бўғиб уни таппа босди ва ғазаб билан уни шундайин тилка-пора қила бошладики, бечора кекса айиқ зорланиб додлади, қўрққанидан сал бўлмаса Неёванинг юраги чиқиб кетаёзди.

Ўз онасининг енгилаётганини кўрган кичкинтой нималарни ҳис қилиши мумкин? Албатта аввало у унга ёрдамга отилади ва қўлига дуч келган нарсани унга қарата иргитади...

[ОХИРИ. Боши газетанинг ўтган сонида].

Х. ЭШТЎХТАРОВ таржимаси.

Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. ҲАКИМОВ: Менга касаба союзлари Советларининг юридик консультациялари бажарадиган ишлари ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Жавоб: Касаба союзлари Советларининг юридик консультациялари — СССРда касаба союзлари томонидан касаба союзлари Советларининг область (ўлка, республика) бўлимлари ҳуқуқи миқёсида ташкил этилади. У касаба союзи аъзоларига, уларнинг оила аъзоларига, пенсионерларга, шунингдек, касаба союзи комитетлари ва касаба союзи активига ҳуқуқ масалалари бўйича бепул ёрдам кўрсатади. СССР касаба союзи органлари томонидан касаба союзи аъзоларига бепул юридик ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Касаба союзлари Советларининг юридик консультациялари справка ва маслаҳатлар беради, ёзма ариза ва шикоятлар ёзишга ёрдам беради, судда ҳимоя қилади, корхоналар ишчи ва хизматчилар учун консультациялар олиб боради; меҳнат қонунлари юзасидан касаба союзи ходимлари ва касаба союзи активлари учун ўтказиладиган семинар ва кенгашларда иштирок этади; меҳнат низоларини кўришда фабрика-завод маҳаллий комитети ва уларнинг комиссияларига ёрдам кўрсатади; лекциялар ўқиш, суҳбатлар ўтказиш, радио ва матбуот орқали совет меҳнат ҳуқуқини пропаганда қилади; корхона ва муассасаларда меҳнат қонунларининг бузилишига барҳам бериш масаласини тегишли органлар олдига қўяди.

Консультация иши штатли ходимлар ва активлар (касаба союзи ташкилотлари ходимлари, юрист-консультантлар ҳамда корхона ва муассасаларнинг меҳнат бўйича ходимлари пенсионерлар ва шу кабилар) орқали олиб борилади. Касаба союзлари Советларининг юридик консультациялари касаба союзи бюджети маблағи ҳисобига ишлайди.

* * *

А. ФОЗИЛОВА: Газеталарда бир ёшгача бўлган болани парвариш қилган оналарга нафақа тўланиши тўғрисида қарор қабул қилинган деб ўқидим. Бу қарор барчага татбиқ этиладими? Буни сўрашимдан мақсад шуки, мен айни вақтда ишламайман, балки институтда таҳсил кўраман. Шу боисдан бундай нафақалар бизга ўхшаш аёлларга ҳам бериладими?

Жавоб: ВЦСПС Президиуми томонидан қабул қилинган қарорда бир ёшгача бўлган болани парвариш қилган оналарга нафақа тўлаш кўзда тутилган. Бундай нафақалар камида бир йил умумий иш стажига эга бўлган оналарга берилади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таҳсил кўраётган хотин-қизлар бундай нафақани иш стажлари қанчалигидан қатъий назар олишлари мумкин.



Тошкент Давлат циркида РСФСР ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист, машҳур иллюзионист Эмиль Кионинг гастроллари катта муваффақият билан ўтмоқда.

СУРАТЛАРДА: ана шу цирк томошаларидан лавҳалар. С. Маҳкамов ва Н. Муҳаммаджонов фотолари.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

«Апорт» оқланди

«Горний гигант» совхози «Олмаота апорти» олмасидан мўл ҳосил олиб, донг таратган. Йирик, ширин ва узоқ сақланадиган олмалар бу ердан мамлакатнинг турли чеккаларига жўнатилмоқда.

Аммо кўпгина қўшни хўжаликларда аҳвол бошқача: мева дарахтидан одатдагидан барвақт тўкилиб кетмоқда, у ярокли бўлганида ҳам фақат консерва ва вино саноати учун хом ашё сифатидагина ишлатилмоқда. Хуллас, машҳур нав айниди, деган гаплар ҳам чиқиб қолди. Шундан сўнг Қозоғистон боғдорчилик ва узумчилик илмий тадқиқот институтининг олимлари бу проблемага қизиқиб қолдилар. Улар нав айниди, деган фикрни рад қилдилар. «Апорт» юксак сифатларини сақлаб қолгану, лекин, у ўсаётган жойлардаги атроф муҳит ўзгарган. Ҳавонинг ҳарорати ва газ билан буғланиши ортган, олма дарахтларига бериладиган сувнинг минерал ва физик-техник состави ёмонлашган.

Кўп жиҳатдан деҳқонларнинг ўзлари айбдор бўлиб чиққанлар— улар олмазорларни «Горний гигант» каби баланд тоғларда эмас, балки текисликда барпо эта бошлаганлар. Ҳолбуки, бу ноёб нав 900 метрдан 1500 метргача баландликдагина ўз хусусиятларини сақлаб қолади.

Олимлар чиқарган хулосаларнинг катта амалий аҳамияти бор. Хўжаликлар кўкламги ишларига киришиб, «Апорт»га ярокли зоналардагина янги боғлар барпо эта бошладилар. Текисликда бўшаган массивни бошқа нав мева дарахтлари эгалламоқда.

Машҳур олмалар Олмаота атрофларидан ташқари Қирғизистон Олатовининг адир ерларида, Тянь-Шань этакларида, Жунғория Олатовининг баъзи жойларида ҳам етиштирилади.

В. АКИМОВ.
ТАСС мухбири.

ТОШКЕНТ ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Киров кўчасидаги 24-уйда —«Билимлар уйи»-да 22 апрель соат 16да лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати факультетида навбатдаги машғулот ўтказилади.

Психология фанлари кандидати, доцент З. Р. Душабоев «Лекция пропагандасининг психологик асослари» мавзуида лекция ўқийди.

2-лекция — «Ривожланган социализм шароитларида меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш ролининг ошиб бориши».

Лектор — фалсафа фанлари кандидати Е. Г. Анискин.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Беш метрли бемор

Бу операция клиникада эмас, балки Боку циркининг ҳайвонотхонасида қилинди. Гап шундаки Арманистон ССР халқ артисти Степан Исаакян раҳбарлигидаги «Экзотик ҳайвонлар» аттракционининг зўр номери — беш метрли бўғма илон... операцияга муҳтож эди.

Ҳайвон ўргатувчи яқинда чет элда ўтказаётган гастролларидан бирида илоннинг жағи шишиб кетганлигини кўрди, Илон бу ердаги докторларга кўрсатилганда улар қўрқаётганликларини зўр-базўр яшириб турган бўлсаларда барибир ёрдам кўрсатишга журъат эта олмадилар. Чет эллардаги гастролдан (Бокуга) қайтиб келган Исаакян бўғма илоннинг «уй врачи» Брянскда яшайдиган Ирина Максовна Фурманни шошилинч суратда консультацияга чақирди. Бўғма илонда авж олаётган чипқон унинг ҳаётига таҳдид соларди. Шунинг учун уни дарҳол операция қилиш керак, Наркоз бериш керакми, наркоз берганда ҳам қанақасини бериш керак? Бўғма илон наркоздан қандай чиқишини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун врач уни бутунлай наркозсиз операция қилишга қарор қилди. 40 килограммли бу жаҳлдор бўғма илонни 7 киши маҳкам ушлаб турди ва хирург чаққон операция қилди. Орадан бир ҳафта ўтгач С. Исаакян ўзининг шоҳ номери — бўғма илон билан курашни манежда намойиш этди.

— Умуман, — дейди Степан Исаакович,—ўзимга ҳам доктор Айболит вазифасини бир, неча марта бажаришга тўғри келган. Бирон ҳайвон оғриб қолса ҳар сафар ветеринарни чақириб юравермайсизда! Масалан, Мануна деган икки тонналн бегемот ўқтин-ўқтин тумов бўлиб турарди. Биз уни ўз қўлимиздаги воситалардан фойдаланиб, даволаб юборавермиз. Домка деган маймуннинг тишини бир куни ўз қўлим билан олганман, Бунда стоматологдан консультация олиб турганман. Тиш доктори бўлса қафасга кириб олганди. Тимсоҳ ҳам операция қилинган. Унинг оғзига бирон хирург бош суқишга журъат этолмасди....

Мол докторлик— ҳайвон ўргатувчи С. Исаакяннинг кўпгина «турдош» касбларидан бири. Бир вақтлар юридик факультетида ўқиб юриб аэроклубда шуғулланар ва осмонга самолётларни парвоз қилдирарди, кейинчалик тик девор узра мотоцикл ҳайдовчи ҳам бўлди. Кейинги вақтларда артист тузуккина кандакор эканлигини кўрсатди. Унинг гул солинган металл идишлари ҳайвон ўргатувчининг шахсий виставкасида муваффақият билан намойиш қилинмоқда,

(ТАСС).

[Газетанинг навбатдаги сони 22 апрелда чиқади].

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IVда **Келинлар қўзғолони**; 22/IVда **Қизил ғайловдаги кўк тулпорлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/IVда **Хизматингизга тайёрмиз**, 22/IVда **Ешлиқда берган кўнгил**, 23/IVда **Гулсара.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IVда **Тиконсиз типратикан.лар**, 22/IVда **Тун қиссаси**, 23/IVда **Зада бўлган пайғамбар.**

КИНО

20 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АЛЬБОМНИНГ ЖОНЛИ САҲИФАЛАРИ» — **Фестиваль.**

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН» — **Қозоғистон.**

«ОҚСОҚОЛ. ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА» — **Искра.**

«ИЛ БОШИДА — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Ҳамза номли** (17, 20.30, телефон 91-10-51).

«ҚИШЛОҚЧА СЕВГИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«АФУ ЭТИШ» — **Дружба** (жуфт) соатларда, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ОЛТИНЧИ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (телефон 53-65-87).

«34-ТЕЗЮРАР» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

«ШЛЯПА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ЎРМОН ҚЎШИҒИ— МАВКА»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

21 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НИЛ БОШИДА» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«АЛЬБОМНИНГ ЖОНЛИ САҲИФАЛАРИ» — **Фестиваль**

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН» — **Қозоғистон.**

«ОҚСОҚОЛ. ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА» — **Искра.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Ҳамза номли** (12, 14.30, 17, 20.30, телефон: 91-10-51),

«ҚИШЛОҚЧА СЕВГИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«АФУ ЭТИШ» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ОЛТИНЧИ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (телефон 53-65-87). **ВЛКСМ.нинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«34-ТЕЗЮРАР» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

«ШЛЯПА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«ЎРМОН ҚЎШИҒИ— МАВКА»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

Китобсеварлар диққатига!

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси бўлимининг магазинларига

Топширилган макулатура эвазига берилган абонементлар бўйича сотиш учун

Қуйидаги китоблар олинди

М. Дрюон. **«Французская волчица».**
А. Дюма. **«Учитель фехтования».**
Г. Честертон. **«Рассказы».**
М. Дрюон. **«Железный король» ва «Французская волчица».**
О. Бальзак. **«Сцены частной жизни».**
Ф. Купер. **«Зверобой».**
Э. По. **«Рассказы».**
В. Ян. **«Чингизхон».**
В. Новиков. **«Пушкин в Михайловском».**
В. Соловьев. **«Повесть о Ходже Насреддине».**
Т. Л. Сухотина-Толстая. **«Воспоминания».**
А. Грин. **«Избранное».**
В. Гиляровский. **«Москва и москвичи».**
Э. Сетон-Томпсон. **«Рассказы о животных»**

Китобларига берилган абонемент эгалари ушбу китобларни

1-«ПРОПАГАНДИСТ»

Китоб магазинидан олишлари мумкин (Пушкин кўчаси, Марказ—1, 6-корпус. Телефон 33-37-27).

ШУ МАГАЗИНДАН

А. Грин. **«Избранное».**
В. Гиляровский. **«Москва и москвичи».**
Э. Сетон-Томпсон. **«Рассказы о животных».**
И. Ефремов. **«Танс Афинская».**

Китобларига берилган абонементи бўлган ўртоқлар бу китобларнинг ўрнига қуйидаги китобларни олишлари мумкин:
Э. Войнич. **«Овод».**
А. Турков. **«Блок»** («Ажойиб кишилар ҳаётидан» туркумидан).
В. Похлебкин. **«Национальная кухня наших народов».**
Н. Новотельников. **«Знакомтесь, шахматы».**
Т. Хейердал. **«Экспедиция Тигрис».**
Французская повесть XVIII в.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

155-ШАҲАР ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Узоққа қатновчи пассажир вагонларининг проводниги. **Ўқиш муддати — 1 йил. Ўрта маълумотли 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм стипендия тўланади. Етоқхона берилмайди.**

МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИ. Ўқиш муддати — 1 йил. 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. 8-синф маълумоти бўлганларга ойига 30 сўм, 10-синф маълумоти бўлганларга 70 сўм стипендия тўланади. Етоқхона билан таъминланади;

ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛЬ. 10-синф маълумоти бўлган; 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Ўқиш муддати — 1 йил. Етоқхона берилади;

Тепловоз машинисти ва рефрижиратор поездларининг механиги. 10-синф маълумоти бўлган 17 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабулқилинади. Ойига 30 сўм, Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар учун эса 72 сўм стипендия тўланади. Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади. Ўқиш муддати — 1,5 йил;

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, тепловоз электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати— 3 йил. Бу группаларга 8 синф маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, кийим-бош, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат қилиб топган маошининг 50 процента билан таъминланади. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади, аъло баҳоларга тугатганлар эса олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари учун жорий этилган имтиёзлардан, жумладан, Совет Иттифоқининг исталган пунктига поездда бепул бориб келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлик ва маълумоти ҳақидаги гувоҳномалар, ота-онасининг иш жойи ва яшаш жойидан справкалар, характеристика, 8 та фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

ЭРКАКЛАР УЧУН КОСТЮМЛАР

Баҳор фаслида биз қишда кийган пальто ва плашчларимизни енгил куртка ва костюмлар билан алмаштирамиз.

ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИДА

20 — 24 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик иклаб чиқариш бирлашмасида тикилган

ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИНИНГ

Савдо-кўргазмаси ўтказилади

Савдо-кўргазмасидан сиз жун, лавсанли жун, кримплен газламаларидан тикилган костюмларни сотиб олишингиз мумкин. Улар спорт ва классик услубда тикилган бўлиб, замонавий модали деталлар билан безатилган. Размерлари 44 дан 62 гача. Баҳоси — 75 сўмдан 150 сўмгача.

КОСТЮМЛАР

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА

МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ

ГУМ

ВИДЕОМАГНИТОФОН ЁРДАМ БЕРАДИ

ТЕАТР СПЕКТАКЛЛАРИ, ЭСТРАДА ТОМОШАЛАРИ, ҚИЗИҚАРЛИ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҲАҚИДАГИ КЎРСАТУВЛАРНИ ВИДЕОМАГНИТОФОН ДОИМИЙ ЭСДА САҚЛАБ ҚОЛА ОЛАДИ.

ВИДЕОМАГНИТОФОНЛАР ОДДИЙ МАГНИТОФОНЛАР КАБИ ЖУДА ОДДИЙ БОШҚАРИЛАДИ.

Уларни бирон ерга олиб бориш осон, пухта ишлайди, чиройли жиҳозланган.

«ЭЛЕКТРОНИКА»—590—ВИДЕО» видеомагнитофони 45 минут мобайнида давом этувчи қора-оқ тасвирдаги программ кўрсатувларини ёзиб олади ва қайта кўрсатади. Махсус қурилма эски ёзувларни ўчириш ва янгиларини ёзиш имкониятини беради. «Электроника-590—видео» Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай телевизор билан ишлашга қодир.

«СПЕКТОР—203» — у қора-оқ тасвирларнигина эмас, шунингдек рангли тасвирдаги кўрсатувларни ҳам ёзиб олади, ҳам қайта кўрсатади. Битта видеокассетанинг ишлаш вақти— 30 минут. Видеомагнитофон лента счётчиги билан жиҳозланган бўлиб, зарур ёзувларни тезлик билан топишда ёрдам беради.

Агарда магнитофон видеокамера билан комплектланган бўлса, у ҳолда Сиз ўз телефильмингизни яратишингиз ҳам мумкин.

Кичик ҳажмдаги **«Электроника —Л—801»** телевизион қурилмасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Электроника — Л—801» мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай видеомагнитофонлардан товуш ва тасвирларни ёзиб олиш учун мўлжалланган. Камерасининг юксак сезгирлиги, автоматик бошқариш (оператор фақат суратга олинаётган объектгача бўлган масофанигина белгилайди ва объектив диафрагмасини тўғрилаб қўяди) яхши тасвирга эришишга имкон беради, кўп ҳолларда эса қўшимча ёритишга ҳожат қолдирмайди.

«Электроника» енгилгина, фойдаланишда тежамли.

ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ, ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Видеомагнитофонлар илмий-тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишда, айниқса себаҳо ёрдамчидир. Унда масофадан туриб кузатиш ва назорат қилиш мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин.



«ЭЛЕКТРОНИКА—590», «ЭЛЕКТРОНИКА—502», «СПЕКТОР—203» видеомагнитофонлари;

«Электроника—841», «Электроника—Л—801» телевизион қурилмалари «Узкультторг» базасида мавжуд бўлиб, уларни теле ва радиотоварлари билан савдо қилувчи барча магазинлардан сотиб олиш мумкин.

«УЗКУЛЬТТОРГ».

БОЛАЛАРГА ҚАНДАЙ ПОЙАФЗАЛ КЕРАК?

— АЛБАТТА, ЕНГИЛ, ҚУЛАЙ ВА ПИШИҚ ПОЙАФЗАЛЛАР ЛОЗИМ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАЛАРИДА ТИКИЛГАН ОЁҚ КИЙИМЛАРИ ХУДДИ АНА ШУНДАЙ.

«ТАШОБУВЬТОРГ»НИНГ 7-МАГАЗИНИДА

20—27 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

баҳор-ёзги мавсумга мўлжалланган

БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасидан Сиз қуйидагиларни сотиб олишингиз мумкин:

ТУФЛИЛАР — қиз болалар учун;
ПОЛУБОТИНКАЛАР — ўғил болалар учун;
кичкинтойлар учун ПОЙАФЗАЛЛАР ВА ГУСАРИКЛАР;
САНДАЛЛАР;
хонада кийиладиган пойафзаллар.

7-магазин Тошкент шаҳри, Новомосковская кўчаси, 17-уй (3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «15-касалхона» бекати)**да жойлашган бўлиб, соат 10.00 дан 19.00 гача** (соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус) **ишлайди. Дам олиш куни — якшанба.**

«ТАШОБУВЬТОРГ»

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

20 АПРЕЛЬ—СЕШАНБА
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.15 ВЛКСМ XIX съезди олдидан. «Ешлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ленинлар ўрганамиз». Кремлдаги «В. И. Ленин кабинет-уйи» музейидан репортаж. 20.00 В. П. Соловьев-Седой асарларидан концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Нима, Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 23.10 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Устоз ҳақида хотиралар». Телевизион ҳужжатли фильм (Киров шаҳри). 19.05 Ленин Горкасида камер кечалари. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Спорт ҳафталиги. 21.15 «Ўт илдизлари». Илмий-оммабоп фильм (Киевнаучфильм). 21.30 «Время». 22.05 «Цемент». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тўс-тўполон». Мультфильм. 18.15 «Тенгдошларинг ижоди». 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Партия чақириғига жавобан». 19.05 И. Сатторов. «Журналист ён дафтаридан» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Интернационализм — амалда». «Ноқоратупроқ уфқлари». 2-кўрсатув. 20.20 «Икарлар». Телевизион фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Куйла, дилкаш дуторим». Мусиқали-адабий композиция. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методлари». 22.20 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Абитуриентлар учун. Математика. 19.15 «Ильичевск». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Бепоён Ватаним...» Кинопрограмма. 20.55 Эстетика асослари. Коммунизм қурилиши даврида эстетик маданиятнинг ривожланиши (рус). 21.30 МТ II.

21 АПРЕЛЬ— ЧОРШАНБА
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 «Тулки ва қуён». Мультфильм. 9.55 «Кадкинни ҳамма танийди». Бадиий фильм. 11.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 СССР билан ПХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартнома имзоланганига. «Шопен Ватанида». Кинопрограмма. 15.50 Совет тасвирий санъати. «Ленинниана». 16.15 «Фольклор оҳанглари». Фильм-концерт премьераси (Волгоград). 16.45 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. Болгариядан олиб кўрсатилади. 17.15 Қўл тенниси бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 17.45 «Горнчилар, қаердасиз?». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

18.15 «Ленин ҳақиқати». Ю. Чичковнинг К. Ибряев шеърларига басталаган кантатаси. 18.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. СССР Фанлар академиясининг Урал илмий маркази. «Фан оламида» туркумидан. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». 20.00 «Болалар учун музикали...». Кинолавҳа. 20.05 «Яна қайта бор ўқиб». М. Горький номли Ленинград академик Катта драма театри фильм спектаклининг премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финляндия— ЧССР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари». 00.35 Хоккей бўйича жаҳон чемпионатида СССР ва АҚШ терма командалари матчидан репортаж. Финляндиядан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Адажио». СССР халқ артисти И. Тимофеева ва А. Лазарев иштирокида фильм-концерт. 18.55 Ҳужжатли фильмлар программаси. 19.35 Гнесинлар номли Давлат музикали педагогика институтининг камер оркестри чалади. 20.00 «Англияга ким ҳавф соляпти?». Буюк Британияда урушга қарши ҳаракат ҳақида. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Давлат Марказий концерт залида. «Шленск» (ПХР) Давлат халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Цемент». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Химия. Чўян ва пўлат ишлаб чиқариш. 12.00 «Виталий Заруткин». Ҳужжатли фильм. 12.30 Химил. Чўян ва пўлат ишлаб чиқариш (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ҳаҳрабочалар». Фильм-концерт. 18.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Кўчат экиб, боғ ярат». 19.10 «Қиш оқшомларида». Телевизион фильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод гулшани». В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигига бағишланган тележурнал. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Бахт ва иқбол тароналари». Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг оркестри ҳамда солистлари иштирокида концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Она қалби». Бадиий фильм. 24.00 Янгиликлар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуш — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; аълонлар бўлими—33-61-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

20 АПРЕЛЬ, 1982 й. Р—02910. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691